

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 18 » ИЮНЬ 20 19 г.

№ 511

Ioshkent sh.

**Сирдарё вилоятида агросаноат кластерини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалигида кластер ишлаб чиқаришини ривожлайтиришга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш ва чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда шу асосда аграр секторда иш унумдорлигини ва меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Industrial Innovation Group LLC” компанияси (Бирлашган Араб Амирликлари) (кейинги ўринларда – “Industrial Innovation Group LLC” компанияси деб аталади) ўртасида 2019 йил 20 март куни Инвестициялар тўғрисида битим имзоланганлиги;

мазкур битимда 181,9 млн. евро миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига Сирдарё вилоятида таркибида целлюлоза мавжуд бўлган экинлар (техник каноф (*Cannabis sativa L.*), зиғир (*Linum usitatissimum L.*) ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари)ни етиштириш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда “Industrial Innovation Group LLC” компаниясининг:

Сирдарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига таркибида целлюлоза мавжуд бўлган экинлар ва алмашлаб экинида қатнашадиган бошқа турдаги экинларни ўрнатилган тартибда етиштириш ва қайта ишлашни тўлиқ циклини яратишни назарда тутувчи агросаноат кластерини (кейинги ўринларда агросаноат кластери деб аталади) ташкил қилиш лойиҳасини амалга ошириш;

агросаноат кластерини яратиш учун “RS Success Agro” масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда “RS Success Agro” МЧЖ деб аталади) ташкил этиш;

“RS Success Agro” МЧЖга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун белгиланган тартибда 2019 йилда 5 минг гектар ер майдонини узок муддатли ижарага бериш ҳамда уни 5 йил давомида 25 минг гектарга етказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар агросаноат кластерининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор илмий ютуқларни, целлюлоза мавжуд бўлган экинлар (техник каноп, зиғир) ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий ва самарали услубларини, илғор агротехник ва сув тежамкор технологияларни жорий этиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда техник каноп ҳамда зиғир толаси ва уруғини қайта ишлашнинг самарали усулларини ва уларни чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги ҳомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда техник каноп ва зиғирни дастлабки қайта ишлаш, селекция ва уруғчилик йўналишида, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагай уруғларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

4. “Industrial Innovation Group LLC” компанияси ва “RS Success Agro” МЧЖ томонидан 2019-2023 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг прогноз параметрлари иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, республикада техник каноп (*Cannabis sativa L.*)ни етиштириш, қайта ишлаш ва унинг маҳсулотларидан фойдаланишга доир тегишли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Сирдарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда хўжаликлараро сугориш ва мелиоратив тармоқларининг техник ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсин ҳамда Сирдарё вилоятига белгиланган лимит доирасида экин майдонларини сув билан таъминласин.

Белгилансинки, қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ушбу қарорга асосан берилган ер участкаларидан фойдаланилмаганда, улардан оқилона фойдаланилмаган ёхуд тупроқ унумдорлигининг пасайишига, кимёвий ва радиоактив ифлосланишига, атроф-муҳитнинг бузилишига, республика ҳудудида карантин ўсимликлари ва объектларининг пайдо бўлиши ва тарқалишига олиб келувчи усуллардан фойдаланилганда, шунингдек, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилмаган тақдирда ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бекор қилинади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликлари учун назарда тутилган лизинг бўйича қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш шартлари ва тартиб-қоидалари “RS Success Agro” МЧЖ учун ҳам тадбиқ этилади;

“RS Success Agro” МЧЖ ҳудудий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда целлюлозали ўсимликларнинг селекция навларини мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб кириш ва жойлаштириш, экинларни илмий асосланган тарзда алмашлаб экиш, шунингдек, ўз маҳсулотларини эркин тасарруф қилиш, нарх сиёсати ва сотиш, шу жумладан экспорт қилиш ҳажмларини мустақил белгилаш ҳуқуқларга эга.

8. “RS Success Agro” МЧЖ томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантирилмаган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва олиб келинадиган уруғлар, ускуналар, махсус транспорт воситалари ва техника, бутловчи қисмлар, хомашё ва материаллар, шу жумладан қурилиш материаллари, иссиқхона комплекслари 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги агросаноат кластер объектларининг электр тармоқларига уланишини, энергия истеъмол қилувчи қурилмаларни лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда зарур қувват билан таъминлашни амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги “Геоинновация маркази” давлат унитар корхонаси “RS Success Agro” МЧЖ буюртманомаларига биноан унинг таркибига кирувчи ташкилотларга пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнини учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш, назорат қилиш ва мониторинг олиб боришда белгиланган тартибда амалий кўмак берсин

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги буюртманомаларига биноан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимларсиз расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “RS Success Agro” МЧЖ буюртманомаларига биноан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга давлат божи тўламасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилишини, берилишини ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, яшаш жойида рўйхатдан ўтиш ва уларнинг муддатини узайтирилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арнов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “18” июн даги 511-сон қарорига
илова

**“Industrial Innovation Group LLC” компанияси
ва “RS Success Agro” МЧЖ томонидан 2019-2023 йилларда
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ***

Т/р	Инвестиция лойиҳасининг номи**	Амалга ошириш муддатлари	Майдон, га/ микдори, дона	Ҳисобланган йиллик қувват	Қиймати (евро)
1	Техник қаноп, зиғир ва алмашлаб экишда қатнашадиган бошқа турдаги экинларни етиштириш (целлюлозали ва мойли экинлардан хомашё ишлаб чиқариш)	2019 йил	5 798 га	80 000 тн хомашё	19 641 481
		2020 йил	10 000 га	160 000 тн хомашё	22 768 404
		2021 йил	15 000 га	240 000 тн хомашё	26 362 120
		2022 йил	20 000 га	320 000 тн хомашё	29 955 836
		2023 йил	25 000 га	400 000 тн хомашё	33 549 552
2	Целлюлозали хомашёга бирламчи ишлов бериш линияси (целлюлозали тола ишлаб чиқариш)	2019 йил	3 дона	76 500 тн тола	12 000 000
		2020 йил	3 дона	153 000 тн тола	12 000 000
		2021 йил	2 дона	204 000 тн тола	8 000 000
		2022 йил	2 дона	255 000 тн тола	8 000 000
		2023 йил	2 дона	306 000 тн тола	8 000 000
3	Ёғ-мой ишлаб чиқариш линияси	2019 йил	1 дона	18 900 тн қаноп ва зиғир ёғи	150 000
4	Омухта ем ишлаб чиқариш линияси	2019 йил	1 дона	105 000 тн омухта ем	700 000
5	Декинг ишлаб чиқариш линияси	2019 йил	1 дона	28 050 тн декинг	350 000
6	Арболит ишлаб чиқариш линияси	2019 йил	1 дона	400 000 тн арболит	100 000
		2020 йил	1 дона	800 000 тн арболит	100 000
		2021 йил	1 дона	1 200 000 тн арболит	100 000
7	Ёғоч уни ишлаб чиқариш линияси	2019 йил	1 дона	65 000 тн ёғоч уни	100 000
8	Инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати	2019–2023 йиллар			181 877 393
	шу жумладан:	2019 йил			33 041 481
		2020 йил			34 868 404
		2021 йил			34 462 120
		2022 йил			37 955 836
		2023 йил			41 549 552



*) “RS Success Agro” МЧЖ муассисларининг қарорига кўра инвестиция лойиҳаларининг прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

***) Инвестиция лойиҳаларининг якуний параметрлари бизнес-режаларни ишлаб чиқиш натижалари бўйича белгиланади.